

СИЛ КАСАЛЛИГИ ВА УНИ ЭРТА АНИҚЛАШ ЧОРАЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

<https://doi.org/10.70728/conf.v2.i03.029>

Патиева Зулфия Равиановна

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти,

Тошкент шаҳри

e-mail: тел. +998903230626

АННОТАЦИЯ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, ўтган йили дунё бўйича 10,8 миллион кишига туберкулёз ташхиси қўйилган. Улардан 1,25 миллион нафари касаллик оқибатида ҳаётдан қўз юмган.

Россия ва Марказий Осиё мамлакатларида юқумли касалликлар орасида энг юқори кўрсаткичлардан бири сил касаллиги бўлиб, у кўпинча ўлим ва ногиронликка олиб келувчи сабаб бўлиб қолмоқда. Сил касаллиги одатда ўпкани зарарлаб, касалликка чалинган фаол одамлар томонидан хаво томчи механизми орқали юқадиган касаллик хисобланади (1). Ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш ва касалликни олдини олиш ва даволаш чораларини кўриш долзарб муаммолардан биридир.

Калит сўзлар: дори воситаси, вакцина, сил касаллиги, туберкулёз, ташхис қўйиш, туберкулин.

ANNOTATION. According to the World Health Organization, 10.8 million people worldwide were diagnosed with tuberculosis last year. 1.25 million of them died from the disease.

Tuberculosis is one of the highest rates of infectious diseases in Russia and Central Asian countries, and it remains a frequent cause of death and disability. Tuberculosis is a disease that usually affects the lungs and is transmitted through airborne droplets from active infected people (1). Timely and accurate diagnosis and taking measures to prevent and treat the disease are one of the urgent problems.

Keywords: drug, vaccine, tuberculosis, tuberculosis, diagnosis, tuberculin.

КИРИШ: Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 20 январдаги "2023 — 2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-12 сонли қарори асосида 14 ёшгача бўлган хавф гуруҳига мансуб аҳоли қатламида иммунодиагностика усулида, 14 ёшдан катталарда эса рентген усулида туберкулёзни аниқлаш йўлга қўйиш ва вилоятларда "Ўпка саломатлиги" мобил бригадалари ташкил этиш амалга оширилди (2, 3).

Сил касаллигини ташхислаш ва ва эрта аниқлашда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ишидаги камчиликлар, аниқроғи, маҳаллий туберкулин ишлаб чиқарилмаслиги сабабли сил касаллигини эрта аниқлаш учун тери аллергик синама ўтказилмаслиги сил касаллиги билан боғлиқ вазиятни янада ёмонлаштирмоқда. Барча ёш гуруҳларида сил касаллигини ўз вақтида аниқлаш касалланиш сонини камайтиришга, бактериялар чиқарилишини пасайтиришга ва натижада жамиятда инфекция резервуарини камайтиришга ёрдам беради.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ: Сил касаллигини эрта аниқлашда ишлатиладиган ташхис воситалари туберкулин ва диаскинтестларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уларни маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишга тавсиялар бериш.

УСУЛ ВА УСЛУБЛАР: Охирги беш йилликда сил касаллиги тарқарганлигини таҳлил қилиш, импорт қилинган туберкулин ва диаскинтестлар динамикасини ўрганиш, контент таҳлил.

ЖССТ туберкулёзни аниқлаш ва даволаш бўйича янги тавсияларни эълон қилди. Қайд этилишича, ОИВ ташхиси қўйилган беморлар, ҳомиладор аёллар, туберкулёзга чалинганлар билан мулоқотда бўлган одамлар, тиббиёт ходимлари, маҳбуслар, мазкур касаллик кенг тарқалган малакатлардан келган муҳожирлар ҳамда гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи кишилар юқори хавф гуруҳига мансуб, деб ҳисобланади. Ана шу қатлам сил касаллигини аниқлаш бўйича тегишли текширувлардан ўтиб туриши ва туберкулёзга қарши профилактик даволаниш курсини олиши лозим. Ўз навбатида, илғор ташхислаш усули — болалар ва иммунитетни заиф одамларда инфекцияни аниқлашда самарали бўлган *Mycobacterium tuberculosis* (TBST) антигенига асосланган тери синамлари ҳам келтириб ўтилади (3).

2020-2025 йилларда сил касаллиги динамикасини таҳлил қилиш, импорт қилинган туберкулин ва диаскинтестлар динамикасини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

ХУЛОСА: Сил касаллиги ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги ва уни эрта аниқлаш чораларининг долзарблигидан келиб чиқиб, профилактика, диагностика ва доволашда ишлатиладиган ташхис воситалари ва дори воситаларини маҳаллийлаштириш ЖССТ тавсияларини амалиётга кенгроқ жорий қилиш ўз навбатида касалликни камайтиришга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. А.А.Ашуров, Х.М.Камилов, Н.Н.Бахрамова Ўзбекистонда туберкулин тери-аллергик ташхисот воситасини ишлаб чиқишнинг долзарблиги // Фармация, иммунитет ва вакцина. 2025. №2 С. 97-100.

International Conference on Education and Innovation

2. . <https://m.facebook.com/100067706034431/>
3. <https://iris.who.int/bitstream/handle/10665/379015/B09111-eng.pdf?sequence=1>

